

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

### ЎЗМА МАНБАЛАРДА ХОРАЗМ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ ЎРИТИЛИШИ (X-XVI АСРЛАР АСРЛАР)

**Абидова Зайнаб Қадирбергановна,**  
тарих фанлари доктори (PhD), ТТА Урганч филиали  
Ижтимоий фанлар кафедраси мудири

**For citation:** Zainab K. Abidova. Lighting of pilgrimage sites of the Khorezm oasis in written sources (X – XVI Centuries). Journal look to the past. 2019, vol. 1, issue 11, pp. 61-68.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-11-7>

*Келиб тушган сана 5 август, 2019*  
*Ўзлон қилинган сана 5 октябрь, 2019*

#### **АННОТАЦИЯ**

Мақолада X-XVI асрларда Шарқ алломалари, араб, турк, эронлик сайёҳлар эсдаликлари ҳамда ўзма манбаларда Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари тўғрисидаги маълумотлар илмий ўрганилган. Ўзбек халқининг маънавий мероси тизимида ўзига хос ўринни эгалловчи зиёратгоҳлар ва улар билан боғлиқ анъаналар айна пайтда инсоният маданиятининг муҳим компонентларидан бири эканлиги ёритилган.

**Калит сўзлар:** ўзма манба, аллома, зиёратгоҳ, маноқиб, урф-одат, маросим, авлиё, сайёҳлар.

### ОСВЕЩЕНИЕ МЕСТ ПАЛОМНИЧЕСТВА ХОРЕЗМСКОГО ОАЗИСА В ПИСЬМЕННЫХ ИСТОЧНИКАХ (X–XVI ВВ)

**Абидова Зайнаб Кадирбергановна,**  
Заведующий кафедрой «Общественных наук»  
Ургенчского филиала ТМА, доктор исторических наук (PhD)

## **АННОТАЦИЯ**

Статья посвящена освещению сведениям мест паломничества Хорезмского оазиса письменных источниках и в мемуарах ученых востока, а также в воспоминаниях арабских, турецких, иранских путешественников X - XVI века. Утверждается, что паломники и связанные с ними традиции, которые играют особую роль в духовном наследии узбекского народа, в настоящее время являются важной составляющей человеческой культуры.

**Ключевые слова:** письменный источник, ученый, святыня, манокиб, обычаи, святой, туристы.

---

## **LIGHTING OF PILGRIMAGE SITES OF THE KHOREZM OASIS IN WRITTEN SOURCES (X – XVI CENTURIES)**

**Zainab K.Abidova,**

Head of the Department of Social Sciences, Urgench branch of TMA  
doctor of historical sciences (PhD)

## **ANNOTATION**

The article is devoted to the coverage of the information of the places of pilgrimage of the Khorezm oasis in written sources and in memoirs of scholars of the east, as well as in the memoirs of Arab, Turkish, Iranian travelers of the X - XVI century. It is argued that pilgrims and related traditions, which play a special role in the spiritual heritage of the Uzbek people, are currently an important component of human culture.

**Key words:** written source, shrine, manokib, tradition, ceremony saint, tourists.

---

Ўзбек халқининг маънавий мероси тизимида ўзига хос ўринни эгалловчи зиёратгоҳлар ва улар билан боғлиқ анъаналар айни пайтда инсоният маданиятининг муҳим компонентларидан бири ҳисобланади. Зиёратгоҳлар ҳар бир халқнинг тарихи ва урф-одатларини, диний қарашлари ҳамда миллий руҳиятини ўзида мужассам қилиши билан бирга инсоният тарихида юз берган қонли тўқнашувлар, табиий офатлар, ижтимоий-иқтисодий, оилавий муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг ечимларини топишда ҳам катта аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг бошқа тарихий-этнографик минтақалари сингари Хоразм воҳаси ҳам ўзининг қадимий тарихи ва зиёратгоҳлари билан машҳурдир. Хоразм воҳаси Шимол билан Жанубни, Шарқ ва Фарбни боғлаб турган занжирнинг муҳим ҳалқаси ҳисобланиб, минтақада ўтроқ су-

форма деҳқончилик ва давлатчилик анъаналарини илк сарчашмалари шаклланди. Шунинг учун ҳам машҳур тарихчи С.Толстов бу ўлкани Осиёнинг «Мисри» деб таърифлаган[15,Б.8; 8,Б.187].

Ўрта аср ислом оламида муқаддас жойлар тўғрисида маълумот йиғиш анъанаси кенг тарқалган ва айрим ёзма манбаларда фақат қабристонлар ҳақида ёзувлар учрайди, чунки зиёратгоҳлар улар асосида ташкил топган ва мазкур манбалар тадқиқотимиз учун муҳим ҳисобланади. Чунки Хоразм воҳаси зиёратгоҳлар ва муқаддас жойлари тўғрисидаги маълумотлар асосан шун манбаларда келтириб ўтилган.

Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари тўғрисидаги ёзма манбаларни даврийлигига кўра тўрт гуруҳга бўлиб таҳлил қилганмиз.

Жумладан:

1. X–XVI асрларда араб-форс, туркий тилларида ёзилган манбалар. Бу даврда турли давлатлар ва мамлакатларга олиб борадиган йўллар ҳамда бу мамлакатларда яшовчи халқлар ҳаёти тасвирланган бир қанча географик ва тарихий адабиётлар ёзилган.

Абу Райҳон Берунийнинг 1000 йилда ёзилган “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида турли халқларнинг келиб чиқиши, урф-одатлари, ҳайитлари ва ҳар хил маросимлар ўтказиладиган кунлари ҳақида маълумотлар берилган. Турли халқларнинг тақвимий урф-одат ва маросимларини чуқур таҳлил қилиш асносида аллома қадимги хоразмликларнинг байрамлари, урф-одат ва маросимлари ҳақида ҳам қизиқарли маълумотларни қайд қилган[1,Б.280].

XI асрда Шайх Абу Тоҳир Тартусий томонидан битилган “Абу Муслим жангномаси” асарида VIII аср иккинчи ярмида Уммавийларга қарши халқ кўзғалонларида хоразмлик Музробшоҳ Хоразмий, Паҳлавон Аҳмад Замчий, Меҳтарбоди Ялдо ва бошқаларнинг Абу Муслимга ёрдам берганлиги жуда маҳорат билан тасвирланиб, саркарданинг ҳаёт ва фаолияти батафсил ёритилган. Аббосийлар ҳокимиятни эгаллагач, Музробшоҳ Хоразмий (вафоти 775)нинг обрўси ошади ва Хоразмда ҳукмдор даражасига, кейин авлиё даражасига кўтарилишига сабаб бўлганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган[5 Б.225;6, Б.144].

Бу даврда араб сайёҳи Абу Абдулло Ёқут ибн Ҳамавийнинг “Мўъжам ул-булдон” асарида Хоразм тўғрисида жуда кўп қизиқарли маълумотлар ёритилган бўлиб, бу минтақадан кўплаб диний уламолар етишиб чиққанлиги, шунингдек, бу ерда Султон Санжар Маликшоҳ мақбараси мавжудлиги, зиёратчилар уни зиёрат қилишлари ҳақида маълумот берилган. Шу билан бир қаторда, Марвда Муҳаммад (с.а.в) саҳобалари Бурайд ибн ал-Хусиб, Ҳаким ибн Умар, Сулаймон ибн Бурайд

дафн этилгани ва уларнинг қабрлари зиёратгоҳга айланганлиги ҳақида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган[13,Б.14].

Ўрта асрларда авлиёлар тарихини ўрганишда тасаввуф адабиёти ва тазкиранависликнинг ўзига хос ўрни бор. Бу даврда зиёратгоҳлар ва уларнинг асосий объекти бўлган авлиёлар тўғрисидаги маълумотлар тазкираларда ёритилган. Хоразм воҳасида машҳур бўлган Султон Увайс Қараний(626–657) ва Юсуф Ҳамадоний (1048–1138) каби бир неча авлиёларва уларнинг хислатларишоир, мутафаккир ва тазкиранавис Фариддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асарида қаламга олинган[14, Б.464].

XIIIасрга келиб ислом оламида муқаддас жойлар тўғрисида маълумот йиғиш анъанаси кенг тарқалган бўлиб, айрим ёзма манбаларда фақат қабристонлар ҳақидагинаёзувлар учрайди. Чунки зиёратгоҳлар қабристонларасосида ташкил топган ва мазкур манбалар тадқиқотимиз учун муҳим ҳисобланади.

Мўғуллар истилосидан кейин то Абулғозий Баҳодирхонгача (XIII – XIV аср)тарихчилар шоир ва ёзувчилар, тазкиранавислар томонидан туркий тилларида ёзилган асарларда, асосан, Хоразмнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, воҳада яшаган авлиёлар ва уларнинг хислатлари билан боғлиқ баъзи маълумотлар мавжуд, лекин мазкур манбаларда зиёратгоҳлар масаласи эътибордан четда қолган.

Сайёҳ ва тарихчи Ҳамдуллоҳ Қазвиний “Тарихи гузида”[16] асарида Хоразмшоҳлар давлати ва мўғуллар босқини ҳақида қайд қилиш асносида Нажмиддин Кубро (1145–1221) ҳақида тўхталиб ўтган. XIV асрда туркий тилда ёзилган Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” асарида ҳам Нажмиддин Кубронинг мўғулларга қарши қаҳрамонона кураши, ватан учун жонини фидо қилиб, “Шоҳи шуҳадо(шаҳидлар шоҳи)” номига сазовор бўлгани ва пири комиллардан Саййид отатўғрисида қимматли маълумотлар ёритилган[12, Б.164-166].

Ўрта Осиёнинг таниқли тарихчиларидан П. Иванов ва И.Петрушевскийлар ўз вақтида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихини ўрганишда маноқиб(1) (шайх ва авлиёларнинг яхши хислатлари)ларнинг илм-фан учун аҳамияти тўғрисида таъкидлаб ўтганлар[4,Б.255]. Бу маноқибларда ислом оламига машҳур бўлган азиз авлиёлар ҳаёти билан боғлиқ воқеалар қаторида зиёратгоҳлар ва қадамжолар билан боғлиқ айрим маълумотлар келтирилган. Жумладан,Абдухолиқ Фиждувонийнинг “Мақомати ул-Юсуф Ҳамадоний” асарида устози Шайх Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёт фаолияти ва шогирдларига муносабати хусусида атрофлича маълумот беради. Тарихий ман-

баларда Шайх Юсуф Ҳамадоний қабрини Марвда деб ёзилган бўлса, Абдулхолиқ Ғиждувоний эса ўз асарида Самарқандда деб кўрсатганлар[3;9, Б.361].

Али ибн Ҳусайн Кошифий “Рашаҳот айн ул-ҳаёт” (“Ҳаёт чашмасидан томчилар) маноқибда Сулаймон Боқирғоний( вафоти 1186/1187)хоразмлик бўлиб, шу жойда фоний дунёдан боқий дунёга кетган ва Апақ кўрғон деган жойга дафн этилганлигини, авлиёнинг қабри жуда машҳур бўлиб, муқаддас зиёратгоҳ сифатида эъзозланиши тўғрисида қимматли маълумотлар бериб ўтади[9, Б.361].

1338 йили Хоразмни зиёрат қилган Ибн Баттута ўз саёҳати давомида олган таассуротларини 1356 йили “Саёҳатнома” (“Тухфат ан-нуззар фи ғаройиб ал-амсар ва ажойиб ал-афсар”) номли асарида қайд қилган. Жумладан, муаллиф ўз асарида: “Бутун дунё бўйлаб қилган сайёҳатларимда мен хоразмликлардан кўра хушхулқ, олижаноб, ажнабийларга нисбатан меҳмондўст одамларни учратмаган эдим”, – дея баён қилади. Ибн Баттута асарида зикр этган хоразмлик алломалар ичида Нажмиддин Кубро, Маҳмуд аз-Замаҳшарийдан ташқари, бизга ҳалигача номаълум бўлган алломалар борлигини эслатиб: “Мазкур шаҳарда бир неча воизлар, музаккирлар бўлиб, уларнинг ичида энг обрўлилари мавлоно Зайниддин ал-Муқаддасий билан мавлоно Ҳисомиддин ал-Машотий хатибдурки, бу кейингиси мен ваъзини тинглаган жаҳондаги энг суҳандон тўрт сиймодан биридур”[11, Б.59], – деб ёзади. Шунингдек, Мовароуннаҳрнинг ҳар бир шаҳрида жуда кўп азиз-авлиёлар қабрлари мавжуд бўлиб, бу муқаддас жойларни зиёрат қилишга бутун ислом оламидан зиёратчилар келиши тўғрисида маълумотлар бериб ўтади. Сайёҳ Хоразмнинг баъзи ҳудудларида фақат маҳаллий аҳоли танийдиган ва тавоф этадиган авлиёларнинг қабрлари ҳам борлигини таъкидлайди. Ибн Баттута Ўрта Осиёда энг кўп ҳурмат қилинадиган авлиёлардан бири – Хоразмдаги Нажмиддин Кубро мозори эканлиги ҳақида шундай ёзади: “Хоразмдан чиқаверишда бир зовия (2) бор[10,Б.27]. Бу ерда зиёратчилар учун таом таёрланади. Хоразмда обрўли кишиларда бўлган Сайфиддин ибн Асаба зовияда шайхлик қилади”[11,Б.58-59]. Ҳатто, у ўз китобида Нажмиддин Кубронинг “учар ити” ва тоғораси, уни ҳам эгасидай қаҳрамон сифатида улуғланиши ҳақида маълумотлар ёзиб қолдирган. Ибн Баттута “Саёҳатнома”да Хоразмдаги яна бир буюк инсон Абулқосим Маҳмудаз-Замаҳшарий(1075-1143) қабрини зиёрат қилганини ва Ўрта Осиё шаҳарларида бундай муқаддас қадамжолар кўп эканлиги ҳақида қимматли маълумот келтириб ўтади.

Ибн Баттутанинг замондоши бўлган Ал-Умарий ҳам Мовароуннахр аҳолисини покдомон ва тасаввуф тариқати маркази бўлган зовияларнинг кўплигини таъкидлаб, Хоразмдаги Нажмиддин Кубро мазорини зиёрат қилади ва у ҳақидаги ривоятларни тинглайди. Мусулмонларда ит вафодорлик рамзи бўлса ҳам, одатда, у муқаддаслаштирилмайди. Аммо Ал-Умарий “Зиёратчилар “эски мусулмон” бўлса ҳам Нажмиддин Кубро ити ҳақидаги қадимий ривоятларни рад этмайдилар”, дея таъкидлайди[11, Б.51-54].

Абдурахмон Жомий “Нафаҳот ул-унс”асарида Нажмиддин Кубро ёшлигидан илму ҳикматга қизиққан, юксак иқтидор соҳиби бўлиб, ислом асослари, шариат илмларини ўзлаштиргач, Хоразмда дин илмлари бўйича тенгсиз аллома сифатида “Томмат ул-кубро”, яъни уламоларнинг етуғи, улуғвори ва “илм балоси” деган юксак унвонга сазовор бўлган, деб ёзган. Асарда келтирилишича, мўғул босқинчилари Хоразмга яқинлашиб, Муҳаммад Хоразмшоҳ ўз яқинлари билан юртни ташлаб қочганда, Шайх муридларининг бир қисмини Ватан озодлиги учун душманга қарши курашга чорлайди. Қолганларини ўз юртларига кетишни сўрайди. Устоздан ўзи билан бирга кетишга чақирган шогирдларига жавобан Шайх Нажмиддин Кубро: “Мен бу ерда шаҳид бўламан, менга Хоразмни тарк этишга рухсат йўқ” [7, Б.405], — деган экан.

Алишер Навоий ўзининг “Насойим-ул муҳаббат” асарида авлиёларга батафсил таъриф берар экан, ўз асарида Хоразм ҳудудидаги мавжуд муқаддас қадамжолар Султон Увайс ва Юсуф Ҳамадоний каби авлиёлар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ қимматли маълумотларни келтирган. Шоир асарда Сулаймон Боқирғоний ҳақида маълумот бериб ўтар экан, жумладан: “Ҳаким отаисми Сулаймондур ва Аҳмад Яссавийнинг шогирдидур”, деб ёзган. Навоий мазкур асарида “Увайсий” истилоҳи тўғрисида маълумот келтириб, Султон Увайсий номи биринчи бўлиб тилга олинадики, бу улуғ инсонга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат ва ҳурмат рамзи [8, Б.63-187] эканлигини таъкидлаб ўтади.

Хуллас, X–XII асрларда ёзилган айрим манбалар Хоразм воҳасидаги баъзи бир зиёратгоҳлар ва авлиёлар тарихи билан боғлиқ бўлган бўлсада, уларда Хоразмдаги муқаддас жойлар ҳақида атрофлича маълумот берилмаган. XIII–XVI асрларда зиёратгоҳлар тўғрисидаги бизгача етиб келган манбалар араб-форс, европа ва туркий тилдаги манбаларда бўлсада, асосан авлиёларга тазкиралар битилган ва уларнинг хислатлари, фазилатлари ёритилган. Гарчи, X–XIII асрлардаги манбаларга қараганда зиёратгоҳлар бўйича сайёҳ Ибн Баттута,

Ҳамидулло Қазвиний, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий асарларида айрим қимматли маълумотлар қайд қилинган бўлсада, аммо уларда ҳам Хоразм воҳаси зиёратгоҳлари тарихи тўлиқ ёритиб берилмаган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. – 1–жилд, – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 280. (Abu Rayhon Beruni. Ancient relics. Selected works. - Volume 1, Tashkent: Science, 1968. – P. 280).

2. Абдулхолиқ Гиждувоний. Мақомат ул-Юсуф Ҳамадоний. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – Б. 9. (Abdul-Halik Gijduvani. Maqam al-Yusuf Hamadani. - Tashkent: New Generation, 2003. – P. 9.)

3. Абдуғолиқ Гиждувоний. Мақомати Юсуф Ҳамадоний (XIV аср), Али Ибн Ҳусайн Кошифий. Рашаҳот айн ул-ҳаёт. (Ҳаёт чашмасидан томчилари). (Abdualliq Gijduvani. Status: Yusuf Hamadani (14th century), Ali Ibn Hussain Koshifi. Rashahot Ain ul-life (drops of the spring of life))

4. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 255. (Ahmedov B. Lessons from history. - Tashkent: O'qituvchi, 1994. – P. 255)

5. Абу Муслим жангномаси: (Достони Абу Муслим соҳибқирон) [Сўз боши Б. Саримсоқов; Маъсул муҳарир М. Ҳасаний]. – Тошкент: Ёзувчи, 1992. – 224 б. – (Халқ китоблари). (The Battle of Abu Muslim: (The epic of the Sahih Abu Muslim) Preface B. Sarimsoqov; Responsible editor M. Hasaniy]. - Tashkent: Yozuvchi, 1992. - 224 p. - (Folk Books)

6. Абу Муслим жангномаси: (Достони Абу Муслим соҳибқирон) / Маъсул муҳарир М. Ҳасаний/. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1995. – 144 б. (The Battle of Abu Muslim: (The epic of the Sahih Abu Muslim) Book 2 - Tashkent: ozuvchi, 1995. - 144 p)

7. Абдурахмон Жомий. Нафаҳот ул-унс (Дўстлик шаббодалари). Тошкент: Порцев О. Алитографияси, 1915. – Б. 405. (Abdurahman Jami. Nafahot ul-uns (Friendship bands). Tashkent: O. A Portsev lithography, 1915. – P. 405)

8. Алишер Навоий. Насойим-улмуҳаббат. – Тошкент, 1968. – Т. XV. – Б. 63–187 (Alisher Navoi. Nasayim-ul love. - Tashkent, 1968. - T. XV. – PP. 63–187)

9. Бартольд В. Работа по отдельным проблемам истории Средней Азии. – М., Наука, 1964. – Т. II. Ч. 2 – С. 361. (Bartold V. Work on selected problems of the history of Central Asia. - M., Nauka, 1964. - Т. II. Part 2 – P. 361)

10. Зоҳидов П. Меъмор олами. – Тошкент, 1996. – Б.27. (Zohidov P. The World of Architects. - Tashkent, 1996. – P.27)

11. Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Тошкент, 1993. – Б.59 (Ibrahimov N. Ibn Battuta and his Journey to Central Asia. - Tashkent, 1993. – P.59)

12. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Б.Аҳмедов таҳрири остида. – Тошкент: Чўлпон, 1994. – Б.164-166. (Mirzo Ulugbek. The history of the four ulus. Edited by V. Ahmedov. – Tashkent: Chulpon, 1994. – PP.164–166)

13. Элмуродов И., Эшмуродов М. X–XII асрлар Хоразм маданияти Ёқут Ҳамавий талқинида. – Урганч: 2005. – Б.14. (Elmurodov I., Eshmurodov M. X-XII centuries Khorezm culture in the interpretation of Yakut Khamavi. - Urgench: 2005. – P. 14)

14. Фариддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. – Тошкент: Фафур Фулом, 2013. – 464 б. (Ferddidin Attor. Tazkirat al-Awliya. - Tashkent: Gafur Gulom, 2013. – P. 464)

15. Толстов С. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. – М.: МГУ, 1948. – С.8. (Tolstov S. Ancient Khorezm. The experience of historical and archaeological research. - M.: MSU, 1948. – P.8.)

16. Ҳамдуллоҳ Қазвиний. Тарихи Гузида. (“Сайланган тарих”) // Қўлёзма, ЎзФАШИ. – № 7, 8, 2786, 3624. (Hamdullah Qazviniy. History Guzide. ("Elected History") // Manuscript, Institute of Oriental Studies, Academy of Sciences of Uzbekistan. - No. 7, 8, 2786, 3624)

1) Абдуғолиқ Фиждувоний. Мақомати Юсуф Ҳамадоний (XIV аср), Али Ибн Ҳусайн Кошифий. Рашаҳот айн ул-ҳаёт. (Ҳаёт чашмасидан томчилари).

2) Зовия – Бурчак, хона ва ҳонақоҳ.